

17. Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий “Сийра аъламун нубало” Ж.23, - Б. 282-283. Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий Ҳиндий “ал-Фавоид ал-баҳия фи тарожими ал-ҳанафия” Ҳукукул матбаа маҳфуза, - Миср.: 1906 й. - Б. 63.

18. Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. “Сийар аълом ан-нубало” 23 жилдли. – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1992.

19. Majallatu Ma’had al-Mahtutotil arabiyya, c.59, sy.2, 1437/2015 Kahire, s.193-218.

20. مَاجَلَلَاتُود تَوْظِيفِ الْمَثَلِ عِنْدَ الصَّاعِنَانِ فِي مَقْدَمَةِ الْعِبَابِ الْزَاخِرِ وَالْبَابِ الْفَاخِرِ Мажаллатуд диросатил лўғавия с.15,sy.3, 1434 Riyad.

ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИДА “МУАММО”ЛАР

Тожихон Тошболтаева,

Қўқон давлат университети доценти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг муаммо жанрига қўшган ҳиссаси ва бу анъананинг Қўқон адабий муҳитида бардавом бўлиши ҳақида илмий мулоҳаза ҳамда мушоҳадалар баён қилинган.

Калит сўзлар: кичик жанр, муаммо, амал, анъана, исқот, бошқа амаллар, таърих, муашшаҳ, араб тили сарфи ва наҳви, қоидалар, араб ҳарфларнинг шакл ва ном хусусиятлари, ҳарфларнинг сон қиймати (яъни абжад ҳисоби), ой ва йил ҳисоблари, фалакиётдаги буржлар, рақамларнинг шакллари.

Аннотация: В данной статье приводятся научные размышления о вкладе Алишер Навоий в жанр проблемы и о том, что этот жанр продолжался в литературной среде Коканда.

Ключевые слова: малый жанр, проблема, традиции, выполнение, икарт, названия и комментарии арабских букв, сарв и нарвх арабского языка, правила, таърих, муашшаҳ, знаки зодаика, количественное значение букв, формы цифр.

Annotation: Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг муаммо жанрига қўшган ҳиссаси ва бу анъананинг Қўқон адабий муҳитида бардавом бўлиши ҳақида илмий мулоҳаза ҳамда мушоҳадалар баён қилинган.

Калит сўзлар: кичик жанр, муаммо, амал, анъана, исқот, бошқа амаллар, таърих, муашшаҳ, араб тили сарфи ва наҳви, қоидалар, араб ҳарфларнинг шакл ва ном хусусиятлари, ҳарфларнинг сон қиймати (яъни абжад ҳисоби), ой ва йил ҳисоблари, фалакиётдаги буржлар, рақамларнинг шакллари.

“Бадоиъ ул-вақоеъ”нинг муаллифи Зайниддин Восифийнинг ёзишича, XV асрда муаммо айта олмаган ва уни еча билмаган қаламкашлар шоирлар даврасига қўшилмаган. [9,] Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да 65 та муаммогўй шоир ҳақида маълумот бергани ҳам бунинг далилидир. [2,] XIX асрга келиб бу анъана Қўқон адабий муҳотида ҳам бардавом бўлди. Шоирлар ўртасида муаммо ва унинг хос кўринишларидан таърих, муашшаҳ ёзиш урф бўлганлигини М.Шайхзода ҳам алоҳида қайд этган эди. [13,] Қолаверса, бу усулларнинг ёрқин намуналарини Фазлийнинг “Мажмуаи шоирон”, Муҳаммадҳакимхон тўранинг “Мунтахаб ут-таворих”, Пўлатжон Қаюмийнинг “Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти” сингари битикларида кўришимиз мумкин.

Биламизки, Алишер Навоийнинг “Чор девон”га киритилган 52 та муаммоси ичида Саъд номига айтган машҳур муаммоси бор:

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от. [2, 442]

Байтнинг ташқи – чалғитувчи маъноси аён: шоир дейдики, бу дунёи дунда ҳеч бир нарса боқий, собит эмас, ҳамма нарса ўткинчи; фақат бир нарсанинг умри боқийдир, бу ҳам бўлса, инсоннинг яхшилик билан чиқарган номидир. Бу муаммо “исқот” (муаммо ечишда “*исқот*” қоидаси шеърда ишора қилинган маълум сўздан бир ёки бир неча ҳарфлар алоҳида тайинлаб ёки тайинланмай олиб ташланади. Бунда олиб ташлашга далолат қилувчи турли сўзлар билан ишора қилинади. Масалан, “Ажаб саодат эрур яхшилик

билан чиқса от” дейилса, “чикмоқ” сўзидаги ишорага кўра, “саодат”дан “от” олиб ташланади [10,22]) амали асосида ёзилган бўлиб, арабча “саодат”- سعادت сўзидан (яхшилик билан) “от” ات қисми чиқариб ташланса, “саъд” سعد қисми қолади. “Саъд” сўзи турдош от маъносида бахт, иқбол, толеъ каби сўзларни аташга ишора қилади. Бу турдош от атоқли от (антропоним) сифатида ишлатилишини ҳисобга олсак, муаммо “Саъд” исмли киши номига эканлигини англаш қийин эмас.

Муаммоларнинг ечилишида адабиёт назариясидаги бадий санъат талаблари, шунингдек, Шарқ поэтикасининг чуқур сирлари, араб тили сарфи ва нахвининг қоидалари, араб алифбосидаги ҳарфларнинг шакл ва ном хусусиятлари, ҳарфларнинг сон қиймати (яъни абжад ҳисоби), ой ва йил ҳисоблари, фалакиётдаги буржлар, рақамларнинг шакллари ва ҳоказоларни билиш тақозо этилади. [10, 10]

Л.Зоҳидовнинг кўрсатишича, муаммо ўзбек адабиётида поэтик жанр сифатида аксарият бир байт – фард шаклида ёзилган. Баъзи бир муаммолар рубоий, туюқ, қитъа, ҳатто ғазал шаклларида ҳам бўлган. Шунингдек, насрда битилган муаммолар ҳам бўлиб, бундай муаммолар сажъ шаклида тартибланган. Баъзи бир бошқа муаммолар катта эпик асарлар парчаси сифатида ҳам берилган. [10, 12] Чунончи, Алишер Навоийнинг тўлиқ ҳарф санъати асосига қурилган бир таронайи рубоийси бор. Унинг матни тубандагича:

“Жон”имдаги “жим” икки долингга фидо,
Андин сўнг “алиф”и тоза ниҳолингга фидо.
“Нун”и доғи анбарин ҳилолингга фидо,
Қолғон икки нуқта икки икки ҳилолингга фидо.

Биз бу ўринда “жон” جان сўзидаги “жим” ج , “алиф” ا ва “нун” ن ҳарфларини ажратиб қўштирноқ ичида келтираётганимиз, бу уч ҳарф орқали

“жон” сўзининг шу ҳарфлардан ташкил топганини кўрсатиш холос. “Қолғон икки нукта...” дан мурод “жон” جان сўзидаги “жим” ва “нун” ҳарфларининг биттадан нуктасидир. Буларни (ҳарфларни) бир-бирига қўшилса, “жон” сўзи келиб чиқиши мумтоз шеърятда ҳарфларнинг шакллари орқали юзага келадиган китобат санъатидир. Бироқ бунинг ўзи кифоя эмас. Китобат санъати моҳиятини араб ҳарфларидан хабардор кишигина билади. Акс ҳолда, рубоийда яширинган сўз ўйинидан беҳабар қолиб, ҳарф шаклларининг комбинацияларига маҳлиё бўлиб, шоирнинг асар мазмуни ва шаклидаги маҳорати ёддан фаромуш қилинади. Агар мазмун ва шакл мутаносиблиги бадий асар зийнати эканлигини ҳисобга олсак, қачонки мазкур бўлган рубоийдаги ошиқ, “жон” тимсоли ва маъшуқа тимсоллари ораларидаги боғлиқликни сезсаккина, шоир демоқчи бўлган фикрни англаб етамиз. Рубоийда шоир ошиқнинг ўз маъшуқаси учун жонини фидо қилишга тайёрлигини тасвирлайди ва бунда муаммо усулини ишга солади. Шоир “жон” сўзидаги ҳарф ва нукталарни тақсимлайди. Яъни нуктасиз “жим”ни маъшуқанинг икки зулфига, “алиф”ни қадди-қоматига, “нун”ни унинг қошларига, “жим” ва “нун”дан қолган икки нуктани маъшуқанинг икки холига ўхшатиш билан муаммо ечимини беради.

Баъзан катта ҳажмли эпик асарлар ичида ҳам муаммолар учрайди. “Лайли ва Мажнун” достонида Мажнуннинг Каъбада Лайлига бўлган ишқини янада зиёда қилишини сўраб, Аллоҳга қилган муножотларида “ишқ” сўзининг ҳарфларини алоҳида олиб, унинг шаклларига ишора этганини сезиш мумкин:

Бўйным уза айнин айлагин тавқ,
Шинин кил ичимға шуълайи шавқ.
Қофин менга айла кўҳи андуҳ,
Кўнглимға ғамини кўҳ то бокўҳ. [3,]

Дарҳақиқат, бу ўринда гап “ишқ” ҳақида кетаётганини мисралар мазмуни кўрсатиб турибди. “Ишқ” عشق каломи араб ёзувида “айн”, “шин” ва “қоф” сўзларининг бирикишидан ҳосил бўлади. Мажнун “ишқ” сўзидаги “айн”нинг халқасини бўйнимга тавқ, яъни бўйинтриқ, “шин”ини ичимга шавқ (зеро “шавқ” сўзи “ишқ” сўзи билан муқобил ишлатилади) қил, дейди. Чунки “шин” ҳарфининг устки қисмлари худди шамни эслатади. “Қоф”ини андуҳ тоғи қилгин деганида, “қ” ҳарфининг шакли тоғга ўхшаб кетади. Араб алифбосидаги номи эса, форсийдаги “тоғ” сўзи билан синоним. Айни чоғда, кейинги мисрада келтирилган “кўҳ” ҳам “тоғ” демакни англатади.

Муаммоларнинг ечилишида талмеҳ, тародиф, киноят, тасҳиф, истиора, ташбих, акс, қалб каби бадий санъатлар билан боғлиқлигини ҳам доимий назарда тутиш лозим. [10, 12-16]

Буларки XV асрга тегишли муаммолар. Хатто XIX асрда ҳам муаммо битиш ўз мавқеини йўқотмаган кўринади. Чунончи, Фазлий Намангонийнинг Қўқон адабий муҳитининг асосчиси Умархон Амирий топшириғи ва раҳнамолигида тузган “Мажмуаи шоирон” тазкирасида бир қатор муаммолар жой олганки, улар ечилганида муаммо орқали баён этилган фикр ўз нисбатини топгани, булар ўқувчида муайян бир воқеа, ҳодиса ёки шахс тўғрисида тасаввур ва ўз ечими билан катта завқ ҳосил қилганига шохид бўлишимиз мумкин. Бу муаммо жанри XVIII аср охири XIX аср бошлари адабиётида ҳам кенг қўлланилганлиги, тазкира муаллифининг катта заковат эгаси эканлигини исботлайди. Фикримизга далил сифатида тазкирадаги айрим муаммоларга эътибор қаратайлик.

Эшони Қорийнинг “Саййид Умар” исмига айтган муаммоси ушбу икки мисра ичида берилган:

Ба дастам домани хуршид рухсори дучор омад,

Маро меҳр аз ямин толеъ шавад, моҳ аз ясор омад.[16,500]

Мазмуни:

Қўлимга хуршид юзли гўзалнинг этаги илинди. Менинг ўнг томонимда қуёш кўринган бўлса, сўл тарафимда ой (қамар) намоён бўлди.

Муаммонинг дастлабки мисрасидаги “хуршид” сўзи бирламчи калит бўлиб, (خُرشید хуршид)нинг этаги, яъни иккинчи қисми, бўғини олинади. Бу شید қисми бўлиб, уни нуқталарисиз ўқилади, яъни муаммонинг тародиф қондасига асосан унинг ҳам шакли олинса, “Саййид” бўлади. Иккинчи мисрадаги ишорага биноан ўнг томондан “меҳр” - “хуршид” араб тилида айн عین бўлиб – унинг боши “айн” олинса, чап томондан “моҳ” - ماه, яъни قمر - қамарнинг этаги مر – “мар” келиб чиқади ва бундан “Умар” – عمر сўзи ҳосил бўлади. Ҳар икки таҳлил қўшилса, “Саййид Умар” сўзи келиб чиқади. Бундан Қўқон адабий муҳитининг ҳомийси Умархон Амирий исми келиб чиққанини сезиш мумкин.

Мир Асад Хожанинг “Жомий” сўзига айтган муаммоси ҳам анчайин мураккаб ечимга эга:

Дарон базмики лаълиу деҳад ком,

Қадаҳ бе по шавад, май бесаранжом.[16,502]

Мазмуни:

Унинг лаълига (лабига) етишиладиган базмда қадаҳ (жом) оёқсиз қолади, яъни оёқлари синади, май эса бесаранжом бўлиб бошини – ақлини (ўз маъносини) йўқотади. Бу ерда ёрнинг васлига етишган ошиқнинг хушини йўқотиши назарда тутиляпти.

Муаммонинг ечими “қадаҳ” сўзидан келиб чиқади, “қадаҳ” сўзининг синоними جام - жом сўзидир. Биринчи ишорага кўра, у оёқсиз қолиши керак. – жом сўзининг “оёғи” م “мим” олиб ташланса, “жо” جا қолади. Иккинчи ишорага кўра эса, “май” бесаранжом бўлиб “ақлу хушини”, ўз шакл-шамойилини йўқотиб, олдингиси билан қўшилиб кетади ва جامی - “жомий” сўзи келиб чиқади.

Султонхон Тўра Адонинг қуйидаги муаммосига диққат қилайлик:

Чи ғам ба булбул ва парвона гар расад сад ниш,
Зи сарв ғунчаки малҳам ниҳод бар дили риш.[16,597]

Мазмуни:

Булбул ва парвонанинг яраланган (тешилган) қалбига ғунча ва сарвдан малҳам қўйиладиган бўлса, улар ўз қалбига уриладиган нишлардан нечун ғам чексин.

Муаммонинг калити “дили риш” (тешилган, яраланган қалб) сўзидадир. Муаммонинг қалб (тескари ўқиш) қондасига асосан “дили риш” бирикмасини “ришнинг дили” деб ҳам ўқиш мумкин. “Қалб” сўзининг “тескари” деган маъноси ҳам бор, “риш” – сўзининг тескараси “шир” – شير бўлади. Муаммонинг иккинчи мисрасидаги “дили риш”нинг яна бир ишораси “риш” сўзининг “дили”, яъни ўртаси демакдир. “Риш”нинг ўртаси ی - йо ҳарфи ҳисобланади. Ишорага кўра “риш”нинг “дили”га ғунча ва сарвдан малҳам қўйилиши керак. Араб алифбосидаги ع - айн ҳарфи шеърятда ғунча ва кўзнинг тимсоли сифатида ишлатилади. ل - лом ҳарфининг сўз ўртасидаги шакли тиклиги сарвга ўхшатилади. “Риш”нинг “дили”га ғунча ی - йо ва сарв ل - лом дан малҳам қўйилса, “али” علی сўзи ҳосил бўлади. Икки таҳлилни қўшсак, “Алишер” – عيشير исми келиб чиқади. Муаммо ҳал этилган бўлади.

Алишер Навоий муаммони наср усулида яратишнинг ҳам ажойиб намуналарини кўрсата олган. Хусусан, “Хазойин ул-маоний” куллийи девонларида ҳар бир ҳарфга битилган ғазалларини бошлашда айни муаммо усулида сарлавҳа қўйган. Масалан, “Алиф” ҳарфининг офатларининг ибтидоси “Ғаройиб”дин”, “Дол” ҳарфининг дилоромларининг даврони “Наводир”дин”, “Нун” ҳарфининг нозанинларининг нози “Бадоеъ”дин”, “Мим” ҳарфининг маҳбубларининг малоҳати “Фавойид”дин” деяр экан буларда ҳам муаммонинг унсурларини ишлатиб, уларда сифатловчи

сўзларнинг биринчи ҳарфлари шоир мақсадини ифодалашга хизмат қилдирилган. Ёки “Фавойид ул-кибар” девонидан ўрин олган бир қитъага қуйидагича сарлавҳа қўйилган: “Ошнолиғ бобидаким, аввали ва охири алам ва офат ибтидосидур ва шин ва нуни шайн ибтидо ва интиҳоси”. Мазкур сарлавҳа “ошно” мафҳумига айтилган муаммо бўлиб, шоирнинг ишорасига кўра, “ошно”- اشنا сўзидаги икки алиф “алам”- الم ва “офат”- افث сўзларининг ибтидосидир. Шу сўздаги “шин”- ش ва “нун”- ن ҳарфлари эса, “шайн” - شين нуқсон сўзининг боши ва охиридир, демоқчи бўлади. “Ҳайрат ул-аброр”нинг бир қатор мақолотлари сарлавҳалари ҳам муаммо усулларида фойдаланилган ҳолда тузилиб, уларда кўтарилаётган мавзунинг туб моҳияти бемисл сўз ўйинлари билан бериладики, натижада ўқувчи шоир баён қилмоқчи бўлган масала ҳақида олдиндан муайян тасаввурларга эга бўлади. Чунончи, қарам ҳақидаги мақолот қуйидагича сарлавҳаланган: “Қарам васфидаким, қалби дирам марғи дурур, балки раҳмат шажарасининг барғи. Ва бухлким, саҳо қалбидин холи бўлса, ниҳоятсиз бало бўлур. Ва базл сурати кўргузмаса, мурувватдин ҳадсиз хало. Ва исроф нафйиким, ҳар ёнидин боқса офати беҳад эрур ва итлоф мазаллатиким, кўпроқ ҳарфи лофдур”. Мазкур бўлган сарлавҳа ҳам мазмунан, ҳам шаклан боб марказига қўйилган масала моҳиятини ёритишга тўла сафарбар этилган. Бу вазифа унинг муаммолик хусусиятидан келиб чиқиб шакллантирилган. Дастлабки ишора “қарам васфидаким” гапидан кейин келган “қалби дирам марғи дурур” жумласида; “қалб” сўзининг “тескари” деган маъноси ҳам бор. Демак, “қарам” كرم сўзининг қалби (тескарис) “марғ” مرگ бўлади. “Марғ” сўзининг ўзбекчаси “ўлим” бўлиб, шоир бу ўринда, кимки саҳоватни ўзига пеша қилса, унинг қўлидаги дирам (бойлик) мутлақо маънисиз бўлиб қолади, уни бошқаларга улашади, дейди. Навбатдаги ишора қарамнинг зидди бўлган “бухл” - بخل бахиллик сўзида бўлиб, унинг қалби (бу ўринда “қалб” сўзи юрак – ўрта маъносида келмоқда) “хо”дан холи бўлса, охири йўқ бало қолади, яъни بخل сўзи ўртасидаги خ кетса, بل “бал”, яъни охириги ҳарфи туширилган бало

колади, дейди. Бу ўринда “охири йўқ” дейилганида ҳам “беҳад ёмонлик” ва “бало” сўзидаги охирги ҳарфнинг йўқлигига ишора мавжуд. Муаммонинг кейинги калиди “исроф” - اسراف сўзидир. Бунда шоир келтирилган сўзнинг икки томонидан боқса, беҳад, яъни охири бўлмаган “офат” - افت сўзи келиб чиқади, деяр экан, исрофгарчилик саховатпешалик бўлмасдан, инсонга балою офат олиб боришига диққатни қаратади. Бунда пайғамбаримиз Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг “Енглар, ичинглар, лекин исроф қилманглар” деган марҳаматларига ишора қилади. Сўнгра “барбод қилиш” маъносида келган “итлоф” - اطلاق сўзининг кўпроқ ҳарфи бўлган қисми(бўғини)ни олишга ишора этади ва бу сўзнинг кўп ҳарфдан иборат бўлган бўғини “лоф” - لاف бўлиб, бу ҳам замима хислатлар сирасига киради.

“Мажмуаи шоирон”, “Мунтахаб ут-таворих”да ҳам бир қатор насрий муаммолар учрайди.

Келтирилган мисоллардан шу нарсга аён бўладики, муаммо битиш ўз даврида муайян урф мақомини олибгина қолмасдан, қалам аҳллариининг маҳоратини белгиловчи мезонлардан бирига айланган. Муаммолар шоирнинг истеъдод кирраларини ҳар томонлама кўрсатувчи усул сифатида эътиборда тутилган. Бу ҳолатда муаммогўйнинг сўзга чечанлиги, сўз бойлигининг беҳад кенглиги, сўз шакллариини турли ҳолатларда жилвалантириш салоҳияти намоён бўлган. Шу сабабдан муаммо мумтоз адабиётнинг хос жанр ва усулларииндан бири сифатида узоқ йиллар амалда бўлиб келган ва Қўқон адабий муҳитида ҳам муайян мавқе ва даражага эга жанрлар қаторида турган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Т., Ўз МЭ нашр. 2011.
2. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Т., Ўз МЭ нашр. 2011.
3. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Т., Ўз МЭ нашр. 2011.
4. Бердак Юсуф. Мумтоз адабий асарлар луғати. 2010.

5. Бобоева Т. Шеър илми таълими. Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
6. Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз қадри. Т.: “Адолат”, 2004.
7. Воҳидов Р.Ж., Эшонқулов Ҳ.П. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. Т.: 2006.
8. Жувонмардиев А. Ҳарфлар рақамларга айланганда. Т.: 1966.
9. Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979.
10. Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. Т.: “Фан”, 1986.
11. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси (“Ҳазойин ул-маоний” асосида). Т.: “Фан”, 1983.
12. Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ут таворих. Т.: “Янги аср авлоди”, 2010.
13. Муқимий ва Фурқат ҳақида мақолалар.
14. Қаюмий П. Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти. Т.: “Тамаддун”, 2011
15. Ҳасаний М. Таърихларда Навоий васфи. Адабиёт ва санъат нашр., 1991
16. Фазлий Намангоний. “Мажмуаи шоирон”. Тошбосма нусха. 1900 йил. Шахсий кутубхона.

ОБРАЗ ЖЕНЩИН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В РУКОПИСНЫХ ИСТОЧНИКАХ: ИСТОЧНИКОВЕДЧЕСКИЙ И ИСТОРИОГРАФИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

Исмоилова Нигорахон Усмонжановна

Преподаватель Наманганского государственного
университета, кафедры «Гуманитарные науки»

Аннотация

В статье исследуется репрезентация женщин Центральной Азии в рукописных источниках XV–XVIII вв. на основе источниковедческого и историографического анализа. Рассматриваются хроники тимуридского и шейбанидского периодов, мемуарная литература и вакуфно-правовые документы. Основное внимание уделяется механизмам конструирования женских образов в письменной традиции и их зависимости от жанра источника, авторской позиции и политико-идеологического контекста.